

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бешарик тумани

**Ободонлаштириш бошкармаси
(комиссия раиси)**



Н. Насипов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

танлов хужжати

Бешарик 2022



XALQ DEPUTATLARI BESHARIQ TUMANI KENGASHI

Q A R O R I

Beshariq tumani, Oltin vodiy ko'chasi 160-uy tel (73) 612-20-08

2022 - yil 9 - noyabr

VI-73-140-11-153-K/22

Beshariq tumani hokimligi

“Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi”dan Adolat MFY hamda Yuqori Tovul MFY hududlariga qo'shimcha mablag'lar ajratish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi “Budget jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PQ-5072-sonli va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22-apreldagi KQ-213-IV-sonli qaroriga asosan jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni tanlab olish va “Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi”dan mazkur tadbirlarga mablag'lar ajratish maqsadida hamda tuman Obodonlashtirish boshqarmasining 2022-yil 7-noyabrdagi 363-sonli xatida ko'rsatilgan tumanda 1-bosqichda g'olib bo'lgan Adolat MFY hamda Yuqori Tovul MFY hududini ichimlik suvi bilan ta'minlash taklifini to'liq yakunlash uchun mablag' ajratish haqidagi aloqa xatiga asosan Xalq deputatlari Beshariq tumani Kengashi

QAROR QILADI

1. Tuman Obodonlashtirish boshqarmasining 2022-yil 7-noyabrdagi 363-sonli aloqa xati ma'lumot va asos uchun qabul qilinsin.

2. Tuman Obodonlashtirish boshqarmasining 2022-yil 7-noyabrdagi 363-sonli xatida ko'rsatilgan tumanda 1-bosqichda g'olib bo'lgan Adolat MFY hamda Yuqori Tovul MFY hududini ichimlik suvi bilan ta'minlash taklifini to'liq yakunlash uchun mablag' ajratish haqidagi aloqa xatida ko'rsatilgan Adolat MFY hududiga qurilishi mo'ljallangan 63 kVA transformator hamda tarmoq tortish

ishlari uchun 47.5 mln.so‘m, Yuqori Tovul MFY hududiga qurilishi mo‘ljallangan 63 kVA transformator hamda tarmoq tortish ishlari uchun 81 mln.so‘m mablag’ tuman “Fuqarolar tashabbusli” jamg‘armasidan ajratilishiga rozilik berilsin.

3. Tuman hokimligi hisobxonasi (T.Matmusaev) Jamg‘arma mablag‘lari hisobidan Adolat MFY hamda Yuqori Tovul MFY hududlarini ichimlik suvi bilan ta’minlash takliflarini to‘liq yakunlash uchun mablag‘lar yo‘naltirilishini ta’minlasin.

4. Tuman budjetining jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo‘naltirilgan mablag‘larining belgilangan maqsadlarda va samarali foydalanilishi hamda mablag‘larning ajratilishi uchun taqdim etiladigan barcha xujjatlarning haqqoniyligiga Ishchi komissiya a’zolari shaxsan javobgarligi eslatib o‘tilsin.

5. Mazkur bayon ijrosini ta’minlash va nazorat qilish komissiya a’zolari zimmasiga yuklatilsin.

Tuman hokimi



R.K.Jo'rayev

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Фаргона вилояти Бешарик тумани Адолат МФЙ** ҳудудида электр таъминоти яхшилаш мақсадида 1 дона трансформатор (63кВа) ва 50 метр тармок етказиб бериш (**қиймати ҚҚС билан**).

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан **47 000 000** сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди._

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти Бешарик тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилоят Бешарик тумани Бешарик шаҳри, Олтин водий кучаси, 164-уй. Эл.адрес: beshariq.obodonlashtirish@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ҳодимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, бухгалтерия баланс ҳужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;

- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Танлов талаблари

Банд	Мажбурийлиги	Баҳошкала
Умумий маълумотлар (<i>мажбурий талаблар</i>)		
1.1. Шартнома тузиш учун ҳукукий асослар	Зарур	0-20
1.2. Нохалол ижрочилар Ягона реестрида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.3. Банкротлик процедураларида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.4. Солиқ ва бошқа мажбурий туловлар буйича қарздорликнинг йуклиги	Зарур	0-20
Товарлар ва буюмлар		
2.1. Бошланғич сумма		0-20
2.2. Таклиф этилаётган сумма		0-20
Буюртмачи талаблари		
3.1. Иштирокчи тўғрисида умумий маълумот	Афзалроқ	0-20
3.2. Ташкилот низоми, Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, (Раҳбар шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси)	Афзалроқ	0-20
3.3. Коррупция қўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза	Афзалроқ	0-20
3.4. Конкурс предметиға тижорат таклифи	Афзалроқ	0-20
3.5. Техник ҳужжатларда қурсатилган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли қилиб етқазиб бериш (ишни топшириш муддатларини қурсатган ҳолда) қанолати	Афзалроқ	0-20
3.6. Ташкилотни конкурс объектиға ўхшаш объектларда бақарган ишлари тўғрисида маълумот	Афзалроқ	0-20
3.7. Ташкилотнинг охириги йиллик баланс ва молиявий ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиши қерак)	Афзалроқ	0-20
3.8. Банк маълумотлари	Афзалроқ	0-20